

# Нефтмаҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги ШАРТНОМА № 89/11

“ 12 ” январь 2022 йил

Урганч тумани

“Ўзбекистон давлат филармонияси Хоразм вилоят булинмаси” нинг қуйида “Истеъмолчи” деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари К.Раҳманов шахслигида бир томондан, иккинчи томондан “Урганч нефть базаси” масъулияти чекланган жамиятнинг қуйида “Етказиб берувчи” деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор С.Маткаримов шахслигида, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида тузилди.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га нефтмаҳсулотларини «Истеъмолчи»нинг талабномада кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва қуйида келдирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Нефтмаҳсулотларини нгури	Йиллик микдор (тонна)	1 тонна нархи (сўмда)	умумий суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича							
				I-чорак		II-чорак		III-чорак		IV-чорак	
				тн	сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма
Автобензин АИ-80	0,350	10527074,42	3 684 476,05	0,350	3 684 476,05						

1.2. “Истеъмолчи” маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартноманинг умумий суммаси 3 684 476,05 сўмни ташкил қилади.

## 2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

1.3. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ўз автотранспортда, маҳсулот автотранспортда (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилди. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидоги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташишда қуйидагилар барча ёнги ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда «Етказиб берувчи» га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича молиявий эътирозни йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда автоцистерналарга маҳсулот қуйишга рухсат берилмайди.

2.2. «Истеъмолчи»да нефть маҳсулотларини сақлаш учун идоравий нефть омбори ҳамда нефть маҳсулотларини ташиш учун маҳсулот автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефть маҳсулотлари уларнинг автотранспортга юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг нефть омборида амалга оширилади. Маҳсулот «Етказиб берувчи»нинг омборидан «Истеъмолчи»нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. «Истеъмолчи»нинг маҳсулот автотранспорт воситасида нефть маҳсулотларини ташиш «Хавфли юкларни ташиш қодалари»га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Аке холда транспорт воситаси «Етказиб берувчи» нефть омборига киритилмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га «Етказиб берувчи»нинг маҳсулот воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш «Истеъмолчи»нинг нефть омборида амалга оширилади. Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг омборида «Истеъмолчи»нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт нақлиётига имзо қўйилган сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш бевосита «Истеъмолчи» вакилининг хоҳишига кўра «Етказиб берувчи»нинг нефть омборида амалга оширилиши мумкин.

2.4. Нефт маҳсулотлари «Етказиб берувчи»га тегишли бўлган ёнилги тарқатиш шаҳобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун «Истеъмолчи»нинг ишночмасига мувофиқ маҳсулотни ёки тарқатиш шаҳобчасидан олиш тўғрисида рухсатнома расмийлаштирилади. Мазкур рухсатнома «Истеъмолчи»нинг вакили томонидан ёнилги тарқатиш шаҳобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида тарқатиш арақаси юрилади. «Истеъмолчи» вакилига берилган маҳсулот микдори тарқатиш арақасига киритиб борилади. Тарқатиш арақасида «Истеъмолчи»нинг вакилининг маҳсулотни микдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг манзилига транзит тартибда темир йўл транспортда етказиб берилганда, темир йўл накладнойига юкни ташишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни қабул қилиш амалдаги «Нефт, газ конденсати ва нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш ва ҳисобини юритиш бўйича қўлланма»га мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Маҳсулотга эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» шартнома мажбуриятини бажарган санадан эътиборан «Истеъмолчи»га ўтади.

2.7. Нефт база омборига маҳсулот қўйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот қўйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик «Истеъмолчи» зиммасига, маҳсулот маҳсулот автотранспортда ташиладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

2.8. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи)нинг автотранспортда олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) нефть база ёки унинг бўлиналари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда таъминланади. Таъминлаш «Истеъмолчи»нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги «Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4664-сонли қарорига асосан ва «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2020 йил 30 апрелдаги 28-02-98/263-сонли ҳатига асосан бюджет ташкилотлари, пахта хомашёси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари ва пахта тўқимачилик кластерлари, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналарига дизел ёки ёқилғиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилғиси) ўтган чоракдаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларида сотади. Автобензин АИ-80 нефть база МЧЖ томонидан товар хом ашё биржасидан сотиб олинган тикетларга устама қўйилган ҳолда етказиб беради.

2.10. «Етказиб берувчи»нефт маҳсулотлари таъминотининг узиллишлари нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

2.11. «Истеъмолчи» томонидан унинг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнги ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

## 3. ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тўлов топшириқнома асосида амалга оширилади.

3.2. «Истеъмолчи» олаётган нефть маҳсулотлари партияси учун ҳақини олдиндан камида 5 кун олдин 100% микдорда «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига ҳақ тўлайди.

3.3. «Етказиб берувчи»нефт маҳсулотларини «Истеъмолчи»га ўтган чоракдаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларидан келиб чиқиб, «Етказиб берувчи»нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари ҳамда устамасини қўшиб шаклланган нархларда сотади.

3.4. Шартнома суммаси нефть маҳсулотларини «Етказиб берувчи» таъминотидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть маҳсулотини ташиш билан боғлиқ темир йўл харажатлари Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий



киймати ўзгаради ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефт маҳсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланади ва бу ҳақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

#### 4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Нефть маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш куйидагича амалга оширилади:

а) «Етказиб берувчи» нефт базасидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть маҳсулотини олиб чиқиши қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;

б) «Истеъмолчи» транзит орқали маҳсулотларни қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

4.2. Эгаллик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» корхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи» га ўтади.

4.3. Нефть маҳсулотларини миқдор ва сифати бўйича «Истеъмолчи», «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдори ва сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида»ги йуриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

#### 5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

5.1. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини олаётган вақтда жойида маҳсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.

5.2. Етказиб бериладиган маҳсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу маҳсулот ортиш ва қузатувчи ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.3. Нефть маҳсулотларини олган истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5.4. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини етказиб беришни қафолатлайди. Хар икки томон нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

#### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартноманинг хар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

Нефть маҳсулотларини ҳисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

6.2. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт- шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.3. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортигани учун «Етказиб берувчи» га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва Етказиб берувчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.4. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга биноан қўлланилади.

6.5. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича уз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган хар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул туламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки уз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини қузлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қийматликлар ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йул қуймаслик бўйича қоралар қурилишига қафолат беради.

#### 7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Хар икки томон ҳам куйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар:

- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнгин, зилзила ва бошқалар оқибатида юз берса,

- нефтни қайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш ҳажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЕҚШлар ва нефть база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳуқумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунни белгиловчи ташкилотлар қарорига асосан нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва тавминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

#### 8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. \_\_\_\_\_

#### 9. НИЗОЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШИНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома киритилган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, хар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган хар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон мустақил ҳал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда иктисодий судларида ҳал этилади.

9.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий қучга эга.

9.4. Шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий газначилигидан рўйхатдан ўтади ва 2022 йил 31 мартгача амал қилади.

#### 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

##### «Етказиб берувчи»

«Урганч нефть базаси»МЧЖ  
Х/р: 22604000704268518701  
МФО: 00432 ИНН:204589421  
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ  
Тошкент ш. Яшнобод филиали  
Урганч туман Чотқўпир кишлоғи  
Паррандачилик фабрикаси

тел: 33521296




Директор \_\_\_\_\_ С.Маткаримов

##### «Истеъмолчи»

O'ZBEKISTON DAVLAT FILARMONIYASI	
XORAZM VILOYAT BO'LINMASI	
Manzil: Urganch sh. Mash'al ko'chasi 4-uy	
Tel/Fax: 228-12-50	
SH.NR:	100021860334017082600056001
SH.NR:	400921860334017082600056001
INN:	204009484; OKONX: 80040
MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI	
BANK TOSHKENT SH. MARKAZIY BANK HKKM	
I/V.R:	23402000300100001010
I.S.T.S:	001122919 MFO: 00014

Раҳбар \_\_\_\_\_



Ҳақиқий ҳуқуқ: Мазкур шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун талабларига зид эмас.

Ҳуқуқшунос: \_\_\_\_\_ Ж.Абдурахимов